

Сийрат дарслари (69-дарс). Муаззинлар қиёмат куни бўйни энг узун одамлар бўлишади



13:40 / 24.01.2020 6975

318. Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман ибн Абу Соъсоъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, унга Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳу айтган: «Мен сенинг қўйни ва чўлни яхши кўришингни билапман. Қачон қўйинг ичида, чўлингда бўлсангу, намозга азон айтадиган бўлсанг, овозингни баланд кўтар. **«Чунки қайси бир жин, инс ёки бирор нарса муаззиннинг овозини эшитса, албатта, Қиёмат куни унга гувоҳлик беради».**

Абу Саъид айтди: «Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман».

Бухорий ривоят қилган.

319. Муовия розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: **«Муаззинлар Қиёмат кунни бўйни энг узун одамлар бўлишади»**, деяётганларини эшитдим».

Муслим ривоят қилган.

320. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Аллоҳ намозни Набийингиз соллаллоху алайҳи васалламнинг тили билан ҳазарда тўрт, сафарда икки ва хавфда бир ракат фарз қилди».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам» китобидан